

Кредит тўйлиқ қийматининг  
миқдори рақамлар ва катта  
харфлар билан энг камида 16  
ўлчамли шрифтда ёзилади.

**“\_\_\_”-сонли АВТОКРЕДИТЛАШ ШАРТНОМАСИ  
(жисмоний шахслар учун)**

Тошкент ш.

«\_\_\_» \_\_\_\_ 202\_ йил

деб \_\_\_\_\_ “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ, бундан буён матнда – “Кредитор”  
юритилади, \_\_\_\_\_ асосида фаолият юритувчи  
номидан, бир томондан ва  
, бундан буён матнда “Қарз олувчи” деб юритилади,  
паспорт асосида фаолият юритувчи  
номидан, иккинчи томондан, биргалиқда “Тарафлар”  
деб юритилади, қуидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар:

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 Кредитор Қарз олувчига мазкур Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кредит тақдим қилиш мажбуриятини олади, Қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва кредитдан фойдаланилганлик учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

**2. КРЕДИТНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

2.1 Кредит мазкур Шартномада назарда тутилган шартлар Қарз олувчи томонидан бажарилганидан сўнг мазкур Шартнома кучга кирганидан кейингина тақдим қилинади.

2.2 Кредитлаш обьекти ва мақсади қуидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган \_\_\_\_\_ русумли автотранспорт воситасини харид қилиш.

2.3 Кредит обьекти ҳисобланган автотранспорт воситасининг умумий нархи \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

2.4 Мазкур Шартнома бўйича кредит суммаси \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

2.5 Қарз олувчи автотранспорт воситасининг \_\_\_\_ % миқдоридаги суммасини ўз маблағлари ҳисобидан Банкка \_\_\_\_\_ ҳисобварагига ўтказиш орқали тўлайди ва ушбу сумма (автотранспорт воситасини реализация қиласидан ишлаб чиқарувчи/ ташкилот) ҳисобварагига ўтказилади.

2.6 Кредит мазкур Шартноманинг 2.5-бандида назарда тутилган шартлар \_\_\_\_\_ ҳисобварагига ижросидан кейингина Қарз олувчининг \_\_\_\_\_ -ракамли ссуда ҳисобварагидан тўлов ҳужжатлари ижроси орқали тақдим қилинади.

2.7 Кредит мазкур Шартнома имзоланган санадан эътиборан \_\_\_\_\_ ой муддатга берилади.

2.8 Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари ўзгармас бўлиб, қуидаги миқдорларда белгиланади:

2.8.1. муддатли қарз бўйича – йиллик \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) %;

2.8.2. муддати ўтган қарз бўйича – йиллик \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) %.

Фоизлар йилига 365 кун ҳисобига асосланган ҳолда қарзнинг ҳакиқий қолдигига ҳисоблаб ёзилади.

2.9 Кредитнинг асосий суммаси ва фоизларини тўлаш \_\_\_\_\_ (дифференциал ёки аннуитет) усулида амалга оширилади.

### 3. КРЕДИТ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ СЎНДИРИШ

3.1 Кредит ва фоизлар Қарз олувчи томонидан ҳар ой, мазкур Шартномага илова ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган Кредитни сўндириш жадвалига асосан (бундан буён матнда – “Жадвал”) муддатлар ва миқдорларда сўндирилади. Бунда, Қарз олувчи ўз ҳисобварағида Жадвалда кўрсатилган операцион кун бошланишига сўндириш учун етарлича маблағларга эга бўлиши керак.

3.2 Жадвалда кўрсатилган фоизлар суммалари прогноз кўрсаткичлар ҳисобланади. Агар кредитни ўзлаштириш саналари ёки асосий қарзни амалда сўндириш саналари Жадвалда кўрсатилган суммаларга тўғри келмаса (яъни, асосий қарз бўйича тўловлар муддатдан олдин ёки муддати узайтирилган ҳолда амалга оширилса ёки бошқа ҳолатларда) хақиқий ҳисоблаб ёзиладиган фоизлар суммалари Жадвалда кўрсатилган фоизлар суммаларидан фарқ қилиши мумкин.

3.3 Кредит бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар ҳар ойда, асосий қарздан олдин сўндирилади.

3.4 Агар кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни сўндириш санаси банкнинг иш куни бўлмаса, сўндириш келгуси банк иш кунига ўтказилади.

3.5 Кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириш Қарз олувчининг ёзма аризаси асосида амалга оширилади, унда асосий қарз ва (ёки) фоизлар қандай миқдорда сўндирилаётганлиги кўрсатилади. Қарз олувчи томонидан ёзма ариза берилмаган ҳолатда, Қарз олувчидан кредит бўйича жорий тўлов учун Жадвалда назарда тутилган суммадан кўпроқ суммада маблағлар тушганида, Кредитор тушган маблағларнинг ортиқча қисмини кредит бўйича асосий қарзни сўндиришга йўналтиради.

3.6 Кредитор томонидан мазкур Шартнома бўйича қарзларни ундириш учун суд органларига мурожаат қилинган ҳолатда, қарзларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан муддатдан олдин ундирилаётган асосий қарзнинг бутун суммасига фоизлар суд қарори қабул қилинган пайтда бундай турдаги кредитлар бўйича қўлланиладиган “Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ асосий ставкаси бўйича ҳисоблаб ёзилади. Мазкур Шартнома бўйича кредитдан фойдаланилганлик учун фоиз ставкаси суд қарори чиқарилган пайтдаги асосий ставкадан юкори бўлган ҳолатда, асосий қарзнинг сўндирилмаган суммасига фоизлар мазкур Шартноманинг 2.8.1-бандида белгиланган ставка бўйича бутун қарз тўлиқ сўндирилгунгача ҳисоблаб ёзилади. Тўлов муддати кечиктирилган асосий қарз суммасига фоизлар мазкур Шартноманинг 2.8.2-бандида белгиланган ставка бўйича бутун қарз тўлиқ сўндирилгунгача ҳисоблаб ёзилади.

3.7. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар сўндирилиши учун пул маблағлари етишмаган ҳолатда, қарз қуйидаги тартибда сўндирилади:

3.7.1. биринчи навбатда – мазкур Шартнома шартлари бузилганилиги учун неустойка (пенялар ва жарималар);

- иккинчи навбатда – сўндириш муддати бошланган ёки ўтказиб юборилган фоизлар;
- учинчи навбатда – сўндириш муддати бошланган ёки тугаган асосий қарз;
- тўртинчи навбатда – суд харажатлари ва Кредиторга ҳукукий ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ харажатлар.

3.7.2. Муддатдан олдин ундиришда сўндириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- биринчи навбатда – мазкур Шартноманинг 3.7.1-бандида назарда тутилган тартибда барча тўлов муддати кечиктирилган тўловлар;
- иккинчи навбатда – муддатдан олдин ундирилаётган асосий қарз суммаси.

### 4. ТАРАФЛАР ВАЗИФАЛАРИ

4.1 Кредитор қуйидагиларни бажариши шарт:

4.1.1 Қарз олувчига мазкур Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кредит тақдим қилиш;

4.1.2 Кредит ва у бўйича фоизларни муддатдан олдин сўндирилишини қабул қилиш;

4.1.3 Кредитни сўндириш жадвалига асосан Қарз олувчининг кредит ва у бўйича фоизлар суммасини сўндириш ҳисобварағига тушадиган тўловларини қабул қилиш;

4.1.4 Кредит ва у бўйича фоизларни муддатдан олдин ундириш ҳолатида (мазкур Шартноманинг 5.1.6-банди), Қарз олувчини кредитни муддатдан олдин ундириш фактлари ва сабаблари тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиш;

4.1.5 Кредитлашни амалга оширишда, кредит муносабатларининг иқтисодий манфаатлари ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳалоллик, ошкоралик, ишончлилик, ҳамкорлик муносабатлари тамойилларига риоя қилиш;

4.1.6 Мазкур Шартнома бўйича тўлов муддати кечикирилган қарз пайдо бўлган ҳолатда, тўлов муддати кечикирилган қарз пайдо бўлган санадан эътиборан 7 (етти) календарь куни мобайнида Қарз олувчини Кредитни сўндириш жадвали илова қилинган, мазкур Шартноманинг 11-бўлимидаги назарда тутилган алоқа усуулларидан фойдаланилган ҳолда, тўлов муддати кечикирилган қарз пайдо бўлганлиги тўғрисида хабардор қилиш.

4.2 Қарз олувчи қуидагиларни бажариши шарт:

4.2.1 Кредитлаш тамойилларига риоя қилиш: муддатлилик, қайтаришлик, белгиланган мақсадда фойдаланиш хусусияти, тўлашлик, таъминланганлик;

4.2.2 Кредит бўйича таъминотни тақдим қилиш ва уни мазкур Шартноманинг 6-бўлимига асосан тақсимлаш талабларига мувофиқ расмийлаштириш;

4.2.3 Кредиторга товарни харид қилиш учун ҳисобварак-шартномани тақдим қилиш. Автотранспорт воситасини харид қилгандан сўнг автотранспорт воситаси олинган кундан эътиборан 2 банк куни мобайнида унинг харид қилинганлигини тасдиқловчи юхати-ҳисобварак-фактурани Кредиторга тақдим қилиш;

4.2.4 Мазкур Шартноманинг 3.1-банди ва Кредитни сўндириш жадвалида белгиланган миқдорларда ва муддатларда олинган кредитни тўлиқ қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш;

4.2.5 Мазкур Шартномада назарда тутилган мақсадлар учун кредитдан фойдаланишини таъминлаш;

4.2.6 Кредитор ходимларига мониторинг ўтказиш учун ўз турар-жойига ёки бошқа бинога (мазкур Шартнома бўйича кредит маблағларига харид қилинган автотранспорт воситаси сақланаётган жойга) киришларига рухсат бериш;

4.2.7 Турар-жой, иш жойи, фамилияси ёки исми, бошқа маълумотлар ва ҳолатлар ўзгарган ҳолатда, ўзгаришлар юз берган пайтдан эътиборан 3 календарь куни мобайнида Кредиторга маълум қилиш;

4.2.8 Ушбу орқали Қарз олувчи мазкур Шартнома шартларига асосан асосий қарз, фоизлар, комиссиялар ва/ёки кредит бўйича бошқа тўловлар муддати бошланганида Кредиторга Қарз олувчининг Банк(лар)даги ҳар қандай ҳисобваракларидан маблағларни сўзсиз чегириб олиш акцептсиз, муқаррар ва қайтариб олинмайдиган ҳуқуқини беради;

4.2.9 Ушбу орқали Қарз олувчи мазкур Шартноманинг 3.6-бандида кўрсатилган факт бошланганида Кредитор томонидан ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўловига ўз розилигини билдиради ва Кредитор талаблари бўйича барча ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш мажбуриятини олади. Кредиторнинг ҳисоблаб ёзилган фоизлар даври ва аниқ суммаси кўрсатилган талабномаси ушбу фоизларни тўлаш учун асос ҳисобланади.

## 5. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

5.1 Кредитор қуидагиларга ҳақли:

5.1.1. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган ҳаракатлар бажарилмаган ёки ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим қилинмаган ҳолатда кредит беришни рад қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида, халқаро талабларда белгиланган асослар, бирон-бир санкциялар мавжуд бўлган ҳолатда, олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, ҳисобварак бўйича операция ўтказилишини, шу жумладан кредит берилишини ҳам рад қилиш ёки амалга оширилаётган операцияларни тўхтатиб қўйиш ва/ёки пул маблағлари ва бошқа мулкни блокировка қилиш, улардан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш;

5.1.2. Гаровга қўювчи томонидан тақдим қилинган гаров мулки бўйича белгиланган тартибда Гаров реестрига ёзувни амалга ошириш;

5.1.2. Кредитдан фойдаланиш вақтида Қарз олувчининг молиявий аҳволини, кредитдан мақсадли фойдаланишни ва унинг таъминланганлигини текшириш;

5.1.3. Исталган вақтда ва у томонидан белгиланадиган шаклда мазкур Шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган харид қилинган автотранспорт воситаси мониторингини амалга ошириш. Мониторинг жараёнида Кредитор харид қилинган автотранспорт воситасини сақлаш, таъминлаш, мақсадли фойдаланиш ва ҳ.к. барча муҳим шарт-шароитлари билан танишиб чиқишга ҳақли;

5.1.4. Қарз олувчи томонидан Кредитни сўндириш жадвалига асосан кредит ва у бўйича фоизларни, мазкур Шартномага асосан белгиланган суммалар ва бошқа тўловларни сўндириш муддатлари бузилган ҳолатда, Қарз олувчининг ҳар қандай хисобваракларидан Кредиторга мазкур Шартнома бўйича ўз талаблари қондирилиши учун керакли суммани муқаррар (акцептсиз) тартибда чегириб олиш, Қарз олувчи эса ушбу орқали Кредиторга акцептсиз тартибда чегириб олиш хуқуқини беради;

5.1.5. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳолатда, шунингдек Кредитни сўндириш жадвалига асосан кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган, банк назоратидан бош тортган, фоизларни тўлаш ва кредит суммасини қайтариш муддатлари бузилган ҳолатларда, шунингдек бошқа ҳолатларда, агар берилган кредит турли сабабларга кўра таъминланмаса ёки Қарз олувчи томонидан мазкур Шартноманинг бошқа шартлари бажарилмаса, Кредит ва у бўйича фоизларни муддатдан олдин ундириш;

5.1.6. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича қарзларни сўндириш (шу жумладан, муддатдан олдин ундириладиган қарзлар) бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатда, ундирувни таъминотга, шу жумладан мазкур Шартномада белгиланган гаров таъминотига, шунингдек Қарз олувчининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаровга қўйилмаган бошқа мулкига қаратиш;

5.1.7. Мустақил равишида, ўз хоҳиши-истагига қараб, мазкур Шартноманинг 6-бўлимида назарда тутилган қайси таъминотга, шунингдек Қарз олувчининг мазкур Шартномада белгиланмаган мулкига ҳам алоҳида, ҳам барчасига бир вақтда ундирув қаратилишини белгилаш;

5.1.8. Қарз олувчи томонидан ихтиёрий тартибда суғурта полиси ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун суғурта премияси тўланмаган ҳолатда, Кредитор суғурта премиясини тўлашга ва уни Қарз олувчидан, шу жумладан тўланган Кредит суммасини Қарз олувчининг барча мавжуд хисобваракларидан акцептсиз тартибда чегириб олиш орқали ундириб олишга ҳақли.

## 5.2. Қарз олувчи қўйидагиларга ҳақли:

5.2.1. Кредитни ва у бўйича сўндириш кунида хисоблаб ёзилган фоизларни муддатдан олдин сўндириш учун жарима санкциялари тўловисиз муддатдан олдин сўндириш;

5.2.2. Қарз олувчи томонидан пул маблағлари олинган пайтгача ёки Кредиторга кредит маблағлари тўлови тўғрисида талабнома топширилган пайтгача кредит олишни бепул асосда рад қилиш;

5.2.3. Ойига бир марта кредит бўйича керакли ахборот олиш (қарз қолдиги, хисоблаб ёзилган, тўланган фоизлар суммаси ва ҳ.к.);

5.2.4. Кредитор томонидан тасдиқланган Кредит шартномаси, кредит олиш учун ариза каби ҳужжатлар ва кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаларини бепул асосда олиш (бироқ, энг кўпи билан бир марта).

## 6. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ

6.1. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўзига олган мажбуриятларнинг тегишлича бажарилиши таъминоти сифатида Қарз олувчи қўйидагиларни тақдим қиласди:

6.1.2. Кредиторнинг кредит маблағлари ҳисобидан гаровга қўйилган мулк нархини келишиш далолатномасида белгиланган \_\_\_\_\_ миқдорида келишилган нарх бўйича харид қилинадиган автотранспорт воситаси гарови;

Қарз олувчи қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Сотувчидан ҳисобварак-маълумотнома олган кундан эътиборан 5 (беш) банк куни мобайнида автотранспорт воситасини давлат ваколатли органларида рўйхатдан ўтказиши шарт. Автотранспорт воситаси давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 (икки) банк куни мобайнида Кредиторга гаров тўғрисида шартнома тузиш орқали ушбу автотранспорт воситасини гаровга тақдим қилиш, мазкур далолатнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

6.1.3. Мулк гарови шартномаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал идорада расмийлаштирилади ва тасдиқланади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда давлат рўйхатидан ўтказилади.

6.1.4. Гаровга қўйилган мулк Қарз олувчининг маблағлари ҳисобидан Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача муддатга Гаров объекти нархини келишиш далолатномасида белгиланган суммага суғурталаниши керак. Суғурталаш шартномаси Суғурта компанияси, Кредитор, Қарз олувчи ўртасида тузилиши керак. Кредитор наф олувчи эканлиги суғурталаш шартномасининг мажбурий шарти ҳисобланади. Суғурта компанияси танлови Қарз олувчи томонидан амалга оширилади.

6.1.5. Суғурта полиси муддати тугаган, бироқ Қарз олувчи томонидан мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилмаган ҳолатда, Қарз олувчи бажарилмаган мажбурият суммасига ўз маблағлари ҳисобидан гаровга қўйилган мулк учун суғурта полисининг амал қилиш муддатини узайтириши шарт.

6.1.6. Мазкур Шартноманинг 6.1.1-бандида кўрсатилган гаровга қўйилган мулк учун навбатдаги гаров факат Кредиторнинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

6.1.7. Кредитор олдидаги мавжуд қарзни сўндириш учун гаровга қўйилган мулкка ундирув қаратилган ҳолатда, мазкур Шартномага асосан, 20 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги Гаров объекти нархини келишиш далолатномасида қайд этилган, Тарафлар ўртасида келишилган нарх миқдорида мазкур Шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган гаровга қўйилган мулкни сотиш учун бошлангич нарх белгиланади.

6.2. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўзига олган мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида мазкур Шартноманинг 6.1.2-бандида кўрсатилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган гаров тақдим қилингунгача Қарз олувчи қўйидагиларни тақдим қилиш мажбуриятини олади:

- кредитни сўндиримаслик хавфи суғурта полиси \_\_\_\_\_(\_\_\_\_\_) сўм миқдорида, бу кредит суммасининг \_\_\_\_% миқдорини ташкил этади, \_\_\_\_\_ ой муддатга; ва (ёки)
- кўчар ва кўчмас мулк гарови, у мазкур Шартноманинг 6.1.3-6.1.7-бандлари асосида тақдим қилинади ва расмийлаштирилади.

6.2.1. Қарз олувчи мазкур Шартноманинг 6.2-бандида кўрсатилган таъминотни кредит берилгунгача тақдим қилиш мажбуриятини олади.

6.3. Қарз олувчи, мазкур Шартнома бўйича бошқа турдаги таъминотлар мавжудлигига қараб, мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолат юзага келганида, Кредиторга ундирувни таъминот предметига, шунингдек бошқа мулкка сўзсиз қаратиш ҳукукини беради.

6.4. Агар бирон-бир сабабга кўра, Кредитор кредит таъминланмаган деб ҳисобласа, Қарз олувчи Кредиторнинг ёзма талабига асосан унинг томонидан кўрсатилган муддатда Кредиторга бошқа таъминотни (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва суғурталанган кафиллик, кредитни сўндиримаслик хавфи суғурта полиси, мулк гарови ва ҳ.к.) тақдим қилиши шарт. Қарз олувчи томонидан таклиф қилинган таъминотни қабул қилиш ёки қабул қиласаслик тўғрисида қарор Кредитор томонидан қабул қилинади. Қарз олувчи томонидан Кредиторнинг янги таъминотни тақдим қилиш тўғрисидаги ёзма талаби бажарилмаган ҳолатда, кредит Кредиторга тегишли фоизлар билан бирга муддатдан олдин ундирилади.

## 7. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартномада белгиланган шартлар бажарилган ҳолда кредит асоссиз равишида тақдим қилинмаган, охиригача тақдим қилинмаган ёхуд ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолатда, Кредитор Қарз олувчига тақдим қилинмаган сумма тўлиқ берилгунгача ҳар бир муддати кечикирилган кун учун 0,01% миқдорида, бироқ тўлов муддати кечикирилган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлади. Қарз олувчи томонидан кредит бериш учун тўлов ҳужжатлари ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолатда Кредитор жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича Кредитор олдидаги ўз мажбуриятлари бажарилмаган ёхуд тегишлича бажарилмаган ҳолатда, Қарз олувчи Кредиторга унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганлиги ва судда вакиллик қилинганлиги билан боғлиқ етказилган заарлар ва харажатлар ўрнини тўлдириши, шунингдек суд харажатларини (давлат божи, почта харажатлари ва х.к.) тўлаши шарт.

7.3. Қарз олувчи кредит маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш учун барча тақдим қилинган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги учун жавобгар бўлади.

7.4. Қарз олувчи Кредитор олдида кредитни ва у бўйича фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш, шунингдек қарзни ундириш бўйича суд харажатлари ва Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёхуд тегишлича бажарилмаганлиги туфайли юзага келган Кредиторнинг бошқа заарлари ўрни тўлдирилиши учун ўзининг барча мулки билан жавобгар бўлади.

7.5. Қарз олувчи томонидан алоқа боғлаш маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисида маълумотлар тақдим қилинмаган ёки ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолатда, Кредитор юборилган ахборот учинчи шахсларга маълум бўлганлиги учун жавобгар бўлмайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

8.1. Мазкур Шартнома бўйича Тарафлар мазкур Шартномадан келиб чиқадиган ёки унинг талқини билан боғлиқ барча низоларни дўстона ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар.

8.2. Ихтиёрий тартибда ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳар қандай келишмовчиликлар мазкур Шартнома бўйича Тарафларнинг исталган бири томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Кредиторнинг жойлашган манзили бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси судларида кўриб чиқилиши учун топширилиши мумкин.

## **9. АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Мазкур Шартнома Тарафлар томонидан имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради.

9.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати – кучга киритилган пайтдан эътиборан Тарафлар томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача.

## **10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1 Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартишлар ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилган ҳолатдагина қонуний кучга эга бўлади.

10.2 Мазкур Шартномани имзолаш орқали Қарз олувчи кредитнинг тўлиқ нархи билан танишиб чиқканлигини ва унга розилигини тасдиқлайди.

10.3 Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ талқин қилинади ва бажарилади.

10.4 Мазкур Шартнома рус тилида тузилган ва ҳар бир саҳифасида тасдиқланган.

10.5 Юқорида қайд этилганларни тасдиқлаган ва мазкур Шартноманинг барча шартларига розилик билдириган ҳолда, Тарафлар мазкур Шартномани ваколатли шахслар томонидан имзоланиш орқали ҳар бир Тарафга битта нусхадан бир хил юридик кучга эга 2 экземплярда туздилар.

## **11. БАНКДАН БИЛДИРИШ ХАТИ (ХАБАРНОМА) ОЛИШ УЧУН ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ**

11.1. Билдириш хати (хабарнома) Қарз олувчига шахсан, шунингдек почта ёки электрон алоқа воситалари ёхуд бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин. Билдириш хати (хабарнома) олиш усули Қарз олувчи томонидан танланади ва мазкур Шартноманинг 11.2-бандида белгиланади.

11.2. Билдириш хати (хабарнома) олиш учун алoқa воситаси ва усули танлансин ва күрсатилсін:

- Почта манзили: \_\_\_\_\_
  - E-mail манзили: \_\_\_\_\_
  - тел.: \_\_\_\_\_
  - бошқа коммуникация каналлари \_\_\_\_\_
  - шахсан .

11.3. Қарз олувчи Банкка шахсан келиш ёки почта орқали ёзма ариза тақдим қилған ҳолда билдириш хатини (хабарномани) етказиб бериш усулини ўзгартыришга ҳақли. Қарз олувчидан мазкур Шартномага билдириш хатини (хабарномани) етказиб бериш усулини ўзгартыриш билан боғлиқ ўзгартышлар киритилиши талаб қилинмайды.

## **12. ТАРАФЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ**

<p><b>КРЕДИТОР</b></p> <p>“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ Манзили: _____ К/с №_____ МФО коди №_____ ; СТИР  тел. _____, факс _____  (лавозими)  Ф.И.Ш.  Бош бухгалтер</p>	<p><b>ҚАРЗ ОЛУВЧИ</b></p> <p>Ф.И.Ш. _____ Манзили: _____ СТИР _____ Паспорт маълумотлари: Серияси _____ №_____ Ким томонидан берилган  Качон берилган _____ тел.: _____ электрон почта: _____  Шартнома шартлари билан танишиб чиқдим ва розиман</p>
_____ Ф.И.Ш.	_____ имзо

Изоҳ: Шартнома матни Банк юристи билан келишилган ҳолатда, кредитни тақдим қилиш шартларига, шу жумладан таъминотга асосланган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.